

Мавзу-21,22: Аҳоли ривожланишининг асосий қонуниятлари, уни башоратлаш. Аҳоли сиёсати. 4соат.

Режа:

- 1) Аҳоли ривожланишининг асосий қонуниятлари.
- 2) Аҳоли башоратлари ва уни амалга ошириш усуллари.
- 3) Аҳоли сиёсати ва унинг таркибий қисми.

Адабиёт: 1,2,3,4,6,7,11,12,13,15,20.

Аҳоли шаклланиш ва ривожланиши жараёнларини урганишнинг марказий вазифасини ушбу жараёнларни белгилаб берувчи қонуниятларни аниқлаш ташкил этади. Аҳоли у ч гуруҳдан иборат қонунлар таъсирида булади.булар: умумсациологик қонунлар, улар кишилиқ жамиятининг барча тарихий босқичларида уз таъсирини курсатиб беради; қатор социал-иқтисодий фармацияларга хос қонунлар; бир социал-иқтисодий фармацияга ёхуд унинг бир босқичига хос бўлган қонунлардан иборатдир.

Аҳоли юқорида қайд этилган қонунлар таъсирида бўлиши билан бир вақтда унинг узига хос ривожланиши қонунларига ҳам эгадир.

Аҳоли ривожланиши - бу миллионлаб инсонларнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясига, унинг барча қадриятларига бўлган муносабатининг аксидир. Янги авлодларни такрор барпо этилиши тарбиялаш ва билим бериш жараёнларида уларда янги хилма-хил ижодий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ундан ижтимоий фойдали фаолиятда фойдаланиш учун шароит яратиб беришни назарда тутди. Бунда шахснинг урни бекиёсдир, чунки айрим шахснинг ривожланиши ижтимоий муносабатлар тараккиётининг муҳим курсаткичи ва мезонидир.

Аҳолининг миқдор ва сифат курсаткичлари узлуксиз равишда узгариб боради, унинг сони, ишлаб чиқариш қучи ушиб боради, табиий ва ижтимоий жараёнларга бўлган таъсири қучаяди. Билим ва маданий-техник даражаси ошади, талаблари усади, уларни қондириш имқониятлари ҳам қенгайиб боради.

Инсон моддий ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи аҳамият

касб этади. У меҳнат курулларини ихтиро қил ад и, уларни мукамаллаштиради. Меҳнат куруллари ёрдамида моддий неъматлар яратади.

Табиатига кура; социал асосга эга булган демографик жараёнлар ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши билан белгиланади ва уз навбатида ишлаб чиқариш кучларининг, жами ижтимоий муносабатларининг таракқиётига акс таъсир курсатади.

Ана шу яъни ишлаб чиқариш усули ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик, феодализм ва капитализм даврларида аҳоли ривожланишининг қонуниятларини белгилаб беради.

Демак аҳоли ривожланишининг қонуниятлари ижтимоий тузум хусусияти, ишлаб чиқариш усули таъсирида шаклланади ва улар орқали белгиланади.

Шу билан бирга акс таъсирининг яъни аҳоли сони ва сифат курсаткичларининг ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига булган таъсирини билмок ва чуқур англамок дарқордир.

Аҳоли географияси ва демографик фанларида аҳоли сони ва таркибини башорат қилиш масаласига катта эътибор берилади.

Аҳоли сони ва таркибини яқин ва узок келажак даврлар доирасида ҳисоблаш долзарб назарий ва айниқса амалий аҳамиятга эгадир.

Аҳоли (демографик) башоратлар келажак аҳоли сони ва таркибини шу жумладан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонини аниқлашга имкон берадики, бу маълумотсиз ишлаб чиқариш кучларини башорат қилиш мумкин эмас.

Демографик башоратлар башорат даврига биноан қисқа даврли, урта даврли ва узок даврли башоратларга тақсимланади. Қисқа даврли башоратлар 5 йилгача, урта даврлилар 10-30 йилгача, узок даврли башоратлар 30-60 йилгача булган вақтни уз ичига олад и.

Демографик башоратлар жуда қуп усуллар воситасида бажарилади. Шуларнинг ичида «ёшларни суриш» ёки «компонент усул» энг муҳим ва асосий усул ҳисобланади. Ундан ташқари экстрамоляция, экспорт баҳолаш ва бошқа усуллардан ҳам кенг фойдаланилади.

Демография жараёнларни, уларнинг параметрларини жамият талабларига яқинлаштириш мақсадида уларни бошқариш

тадбирлари амалга оширилади. Уларнинг ичида аҳоли сиёсати ва уни ташкил этувчи: демография сиёсати, миграция сиёсати урбанизация сиёсати ва аҳоли бандлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш жуда муҳим роль уйнайди.

САВОЛЛАР:

- 1) Қонун, қонуният, таъйин, омил тушунчаларини мазмунини тушунтириб бериш.
- 2) Аҳоли сони ва таркибининг келажакдаги ҳолатини билишнинг аҳамиятини очиқ бериш.
- 3) Аҳоли сиёсати ва уни ташкил этувчи курсаткичларни тушунтириб бериш.